

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

О.Алиев	
Ахборот хавфсизлигига доир тушунчалар тавсифи	190
К.Пулатов	
Совет даврида Ўзбекистонда тарғиботнинг ривожланишида даврий матбуотнинг ўрни(1953-1956 йиллар)	193
С.Назарова	
Ўзбек санъатини забт этган Қўқон булбули	197
Д.Тошпулатова	
Муаллиф онги ва тафаккурида буюк қадриятларнинг акс этиши	201
И.Жўраев, Ҳ.Жўраев	
Навоний ижодида маънавий-маиший таназзул ва ижтимоий инқироз ифодаси	204
А.Акбаров	
Абадиятга дахлдор можаро	207
Н.Соатова	
Бадиий тасвирда адибнинг эстетик қарашлари	210
Н.Холматова	
Эркин Аъзам адабий-эстетик қарашларининг шаклланиши	214
Д.Юлдашева	
“Алла” матни лингвофольклористиканинг ўрганиш объекти сифатида	218
Ш.Кахарова	
Ўзбек ва инглиз педагоглари мулоқот хулқида қўлланиладиган мурожаат шаклларининг қиёсий тадқиқи.....	220
Ш.Мўминов	
Янги ўзбекистонда раҳбарлик ва унга ёндош тушунчалар семантикасига доир	223
Н.Юлдошева	
Содда гап қолиплари воқеланишига таъсир қилувчи морфологик омиллар ҳақида.....	226
М.Хошимов	
Тилда «субъектив – модал баҳо» микроконцептини воқелантирувчи кириш гапли қўшма гапларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари	228
М.Хусайнова	
Касб-хунарга оид латифаларнинг прагматик хусусиятлари	236
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
Илмга бахшида умр	239
Библиография	242

УДК: 371.1+41+(042)

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ПЕДАГОГЛАРИ МУЛОҚОТ ХУЛҚИДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН МУРОЖААТ ШАКЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ФОРМ ОБРАЩЕНИЯ, ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В КОММУНИКАТИВНОМ ПОВЕДЕНИИ УЗБЕКСКИХ И АНГЛИЙСКИХ ПЕДАГОГОВ

COMPARATIVE RESEARCH OF ADDRESSING FORMS USED BY UZBEK AND ENGLISH PEDAGOGUES IN COMMUNICATION PROCESS

Кахарова Шохсанам Набижон қизи¹¹Кахарова Шохсанам Набижон қизи

– Фарғона давлат университети, инглиз тили ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада мулоқот жараёнида муурожаат шакллари аҳамияти, инглиз ва ўзбек педагоглари мулоқот хулқида қўлланиладиган муурожаат шакллари, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари қиёсий жиҳатдан таҳлил этилган.

Аннотация

В данной статье проводится сравнительный анализ значения форм обращения в коммуникативном процессе, а также форм обращения, используемых английскими и узбекскими педагогами в процессе коммуникативного поведения, их сходства и различия.

Annotation

This article analysis the importance of forms of addressing in communication process, the forms of communication used by English and Uzbek pedagogues and their similarities and differences.

Таянч сўз ва иборалар: мулоқот, муурожаат, адресант, адресат, вокатив форма, нутқий меъёр.

Ключевые слова и выражения: общение, обращение, адресант, адресат, вокативная форма, речевая норма речи.

Key words and expressions: communication, addresser, addressee, vocative form, speech norm.

Муурожаат мулоқот жараёнида сўзловчи ва тингловчи руҳиятига бевосита таъсир ўтказиб, мулоқотдан кўзланган мақсадга эришишда дебоча вазифасини бажарувчи, муомала маданиятини белгиловчи омил ҳисобланади. “Муурожаат” арабча сўз бўлиб, *чақириқ, қилинган даъват* маъноларидан ташқари *кўриб чиқиш, таққослаш, бирор нарсани сўраш* маъноларини ҳам англатади. [1]

Мулоқот жараёни адресант (коммуникатор, сўзловчи)нинг адресат (коммуникант, тингловчи)га муурожаати билан бошланади. Айнан шунинг ўзи мулоқот жараёнида муурожаатнинг ўрни, аҳамияти ва бажарадиган вазифаси юқори эканлигидан далолат беради. Муурожаатнинг нутқдаги аҳамияти, бажарадиган функциясини тўлиқ ёритиб бериш мақсадида қатор олимларимиз тадқиқот олиб борганлар ва “муурожаат” ҳақида ўз фикрларини қуйидагича баён этганлар. Тилшунос олим С.Мўминов таъкидлаганидек: “Муурожаат мулоқотда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мулоқотнинг қандай давом этиши кўпинча шу биргина сўз билан боғлиқ бўлиб қолади”. [2] Адресант дунёқараши, нутқий маданият даражаси ва руҳий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда

тингловчига муурожаат қилади, айнан шу муурожаат мулоқот жараёнининг самарасини белгиловчи калит сўз ҳисобланади.

Вазият тақозосига кўра мулоқот баъзан саломлашишдан олдин, баъзан саломлашишдан кейин адресатга қарата қилинган даъват, чақириқ билан бошланади ва бу “муурожаат”, деб аталади. Айрим адабиётларда муурожаат, чақириш, ундаш оттенкаларини қамраб олувчи сўзлар “вокатив формадаги сўзлар”, деб берилган. [3]

Юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, муурожаат мулоқот жараёнида тингловчини суҳбатга чорлаш, унинг диққатини мулоқот жараёнига қаратиш мақсадида сўзловчи томонидан қўлланилади. Адресант мулоқотга киришиш мақсадида адресатнинг жинси, ёши, қайси ижтимоий гуруҳга хослиги, бажараётган вазифасини ҳисобга олган ҳолда тингловчига мос муурожаат шаклини танлай олиши нутқий меъёр ҳисобланади. Тингловчи аудиториясини ҳисобга олган ҳолда муурожаат расмий ёки норасмий тарзда бўлиши мумкин.

Инглиз тилида расмий доирада қўлланиладиган вокатив формадаги сўзлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. **Sir** (катта ёшдаги эркак кишиларга нисбатан).

2. **Ma'am** (катта ёшдаги аёлларга нисбатан, асосан Шимолий Америкада).

3. **Mr/Mister + фамилия** (исталган ёшдаги эркакларга нисбатан).

4. **Mrs/Misses + фамилия** (турмушга чиқиб, турмуш ўртоғининг фамилиясини олган аёлларга нисбатан).

5. **Ms/Miss + фамилия** (турмуш қурган ёки қурмаган ҳар қандай аёлга нисбатан, асосан, иш юзасидан).

6. **Miss + фамилия** (турмушга чиқмаган кизларга нисбатан)

7. **Dr + фамилия** (илмий даражаси ёки касбига кўра)

8. **Professor + фамилия** (университет ўқитувчиларига нисбатан)

Юқоридаги каби мурожаат шакллари баъзан вазият тақозосига кўра, контекстан келиб чиққан ҳолда норасмий доирада (аксарият ҳолларда изтеҳзо билан) ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, ёш боланинг отасига қарата айтган *"Close your book!"* (Китобингизни ёпинг!) гапига, тингловчи яъни отанинг *"Yes, Sir!"* (Ҳа, жаноб!) деган жавобини эшитиш мумкин.

Инглиз тилидан фарқли равишда, ўзбек тили расмий мурожаатида адресатнинг жинси, турмуш қурган ёки қурмаганлигини билдирувчи махсус сўзлардан фойдаланилмайди. Расмий мурожаатда асосан *"ҳурматли"*, *"қадрли"*, *"ўртоқ"* каби сўзлар мурожаат қилинувчи шахснинг фамилияси билан бирга ёки адресатнинг исми ва шарфини айтиб мурожаат қилинади.

Масалан: - **Ўртоқ Носиров**, мумкинми... колхозга борган экансиз... йўқ эканман... (Абдулла Қаҳҳор, Синчалак қиссаси) [4]

- **Аброр Аъзамович!** Ҳозир кўкаламзорлаштиришдан ҳам олдон ҳал қилишимиз керак бўлган муаммо – одамларни тураржой билан таъминлаш! (Пиримқул Қодиров, *Олмос камар*) [5]

Мулоқот хулқида мурожаат шакллар адресант ва адресатларнинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублигига кўра ҳам ўзаро фарқланади. Педагоглар нутқи савдогарлар нутқидан, ҳайдовчилар нутқи докторлар нутқидан кескин фарқ қилганидек, улардаги мурожаат шакли ҳам турлича бўлади.

Филология фанлари номзоди Расулов Қ. ўқитувчилар нутқининг функционал хусусиятларини социолингвистик аспектда тадқиқ этиб, ўз ишида қуйидаги маълумотларни бериб ўтади: "Ўқитувчининг диққат (еътибор)и, асосан, ўқувчиларни назорат қилишга

қаратилган бўлади. Бу психологик позиция ўқитувчи нутқида буйруқ, танбех, насиҳат каби оҳанглари реаллаштиради ва фақат ўқитувчига хос жаргонлар ва профессионализмларни ҳосил қилади: *"Доскага чиқ!"* ёки *"Доскага!"*, *"Тўғри ўтир!"* ёки *"Тўғрилан!"*, *"Олдинга қара!"*, *"Еътибор беринг!"*, *"Тўғри ёз!"*, *"Тўғри ўқи!"*, *"Қўлингизни кўтар!"* каби." [6] Юқоридаги маълумотдан кўринадики, бу каби сўз ва иборалар бошқа ижтимоий гуруҳ вакиллари нутқида деярли қўлланилмайди. Қўлланилганда ҳам айнан шу вазиятдан келиб чиқадиған маънони бермайди.

Табиийки, ўзаро қариндош ҳисобланмайдиган инглиз ва ўзбек тилларининг зиёли вакиллари ҳисобланмиш педагоглар мулоқот хулқи ва улар нутқида қўлланиладиган мурожаат шакллари ҳам бир-биридан фарқланади. Педагоглар дарс жараёнида асосан расмий услубга асосланган ҳолда нутқ сўзлайдилар. Масалан, ўзбек педагоглари, асосан, ўқувчиларга уларнинг фамилиялари билан мурожаат қилишлари меъёр ҳисобланади.

Масалан:

Бир амаллаб йўқлама қилиб бўлгач, дераза тараф хомуш тикилиб ўтирган қизни чорладим:

- **Болтаева**, ўтган дарс қанақа мавзуну ўргангандик?

Қиз норизо чимрилганича ўрнидан турди.

- *Ньютоннинг биринчи қонуни.*

- *Ўтир. Искандарова!* – *шивир-шивири ҳам ҳеч тугамаётган, озгингина ўқувчини чорладим. – Доскага кел. Ўтган мавзу бўйича би-ир сўйлаб бер-чи.* (Луқмон Бўрихон." Сирли муаллим") [7]

Инглиз педагоглари нутқида эса аксарият ҳолларда ўқувчиларнинг исми, лақаби ёки исмининг қисқартирилган шаклини айтиб мурожаат қилиш нутқий одат шакли ҳисобланади. Инглиз тилшунослари бу ҳолатни ўқувчи диққатини осон жалб қилиш, у билан тез мулоқотга киришиш учун хизмат қилишнинг самарали усулларида бири деб ҳисоблайдилар. Фикримизнинг исботи сифатида британиялик ёзувчи Роальд Даль қаламига мансуб *"Matilda"* асаридаги ўқитувчи ва ўқувчи қиз Матилда диологидан парча келтириб ўтамыз:

Mrs Phelps, who had been watching her with fascination for the past few weeks, now got up from her desk and went over to her.

"Can I help you, Matilda?" she asked

"I'm wondering what to read next," Matilda said. "I've finished all the children's books." [8]

Ҳар иккала тил педагоглари мулоқот хулқида ҳам келтирилган маълумот қатъий қолип ҳисобланмайди, яъни мулоқот юз берган вазият ўзгарган ҳолларда мурожаат шакли ҳам ўз меъёр доирасидан чиқиб, бошқа усулларда қўлланилиши мумкин. Инглиз педагоглари мисолида оладиган бўлсак, кўп ҳолларда ўқувчига алоҳида ҳурмат билдириш (ёки, аксинча, кинояли тарздаги ҳурмат), танбеҳ бериш маъноларида ҳам ўқувчининг исми ва фамилиясини бирга қўллаб мурожаат қилиш ҳолати учраб туради:

Professor McGonagall, Deputy Headmistress and head of Gryffindor House, had come dashing out of the Great Hall; she skidded on the wet floor and grabbed Hermione around the neck to stop herself from falling.

"Ouch - sorry, Miss Granger -"

"That's all right, Professor!" Hermione gasped, massaging her throat. [9]

Ж.К.Роулинг қаламига мансуб "Harry Potter and Philosophers stone" ("Гарри Поттер ва фалсафий тош") асарида келтирилган ушбу парчада мактаб директори ўринбосари ва Гриффиндор уйининг бошлиғи профессор Мак Гонагалл мактаб ўқувчисига ҳурмат маъносида "Miss Granger", яъни расмий доирада турмушга чиқмаган қизларга нисбатан ишлатиладиган махсус сўз – "Мисс" билан ўқувчининг фамилиясини бирга қўллаган.

- Том Соьер! – деди у.

Муаллими унинг исми ва лақабини тўла айтганида, бундан яхшилик чиқмаслигини яхши англади.

Лаббай, сэр! – деб жавоб берди Том.

Буёққа кел! Қани, сэр, бугун яна нима учун кечикиб келдингиз? [10]

Буюк америкалик ёзувчи Марк Твеннинг "Том Соьернинг бошдан кечирганлари" асарида келтирилган ушбу парчадан маълум бўладики, асар бош қаҳрамони Том дарсга кеч келгани сабабли унга танбеҳ бериш маъносида исми ва фамилиясини тўлиқ айтган ҳолда мурожаат қилинган. Кейинги қаторларда қўлланган "Сэр" мурожаати эса аслида расмий услубда катта ёшдаги эркак кишиларга нисбатан ишлатилиши нутқий одат, меъёр саналади. Ушбу парчада эса суҳбатдошга кинояли тарзда ҳурмат билдириш учун қўлланилган. Бу маънони янада кучайтириш мақсадида муаллим нутқининг аввалида "Буёққа кел!", деб ўз нутқини бирлик, 2-шахсга қарата айтган бўлса, нутқининг давомида маънони кучайтириш мақсадида "сэр" сўзи билан биргаликда 2-шахс, кўпликда қўлланиладиган –инглиз шахс-сон қўшимчасини феълга қўшиш билан (кечкиб келдингиз) ифодаланмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, мулоқот хулқида мурожаат суҳбатдошларнинг ўзаро мулоқотига замин ҳозирловчи асосий босқичдир. Мулоқотнинг кейинги босқичлари қандай шаклда бўлиши ҳам адресат учун мос равишда танланган мурожаат шакли билан боғлиқ. Шу сабабли ҳам ёшларга билим ва тарбияни бир пайтнинг ўзида бериб бориш касбий ва инсоний бурчи ҳисобланган педагоглар нутқ меъёрларига алоҳида эътибор бериб, ўқувчилар учун мукамал нутқ соҳиби сифатида намуна бўла олишлари керак. Бир-бирдан ўзаро фарқ қилувчи тил вакилларининг мурожаат билан боғлиқ тафовутли жиҳатларини онгли равишда англаб, уларни ўқувчиларга тўғри етказиш ҳам бугунги глобаллашув даврида педагоглар олдида турган асосий вазифалардандир.

Адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-том. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006.
2. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. – Фарғона, 2021.
3. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. – Т., 1972.
4. Абдулла Қаҳҳор. Синчалак. – www.kutubxonachi.uz
5. Pirimqul Qodirov. Olmos kamar. – Т.: Yangi asr avlodi, 2019.
6. Расулов Қ. А. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши: Филол. фан. номз. ... дисс.автореф. – Т., 2008.
7. Луқмон Бўрихон. Сирли муаллим. Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.
8. Roald Dahl . Matilda – www.en.wikipedia.org
9. Rowling J. K. Harry Potter and philosophers stone. – www.en.wikipedia.org
10. Mark Tven. Tom Soyerning boshdan kechirganlari. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2014.

(Тақризчи: Н.Хошимова – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD))